

**ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ АСАРЛАРИДА  
ЧОЛҒУЛАР ТАСНИФОТИ  
ШАКАРОВ САРДОР**

**С.С Жумаев**

илмий раҳбар: ЎзДСМИ

чолғу ижроилиги кафедраси профессор ЎзДСМИ Чолғу ижроилиги

Мутахасислиги магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада миллий мусиқамизнг тарихан шакилланишида буйук бобокалонларимизнг сайи харакатлари, Шарқ мусиқа назариясини янги ривож поғонасига кўтарилиши, мусиқий чолғуларнинг таснифоти ва бугунги замон мусиқа илмининг ривожланишига ҳамда Миллий мусиқамизнинг ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик ва тарбиявий имкониятларини тарихан шакилланиш таҳлили акс этади.

**Калит сўзлар:** Чолғу, қонун, ғиччак (ғижжак), уд, қўлёзма, истеъдод, табиат, ўлжа, мусиқа, муаллим, китоб, санъат, асар, оҳанг, манба, илм-фан.

**Аннотация:** В данной статье отражены усилия наших великих предков в историческом становлении нашей национальной музыки , подъем на новый уровень теории восточной музыки, классификация музыкальных инструментов и развитие современной музыкальной науки, а также социально духовный, художественный, эстетический и воспитательный потенциал нашей национальной музыки.

**Ключевые слова:** Инструмент, закон, гиччак, уд, рукопись, талант, природа, добыча, музыка, учитель, книга, искусство, произведение, мелодия, источник, наука.

**Annotation:** This article reflects the efforts of our great ancestors in the historical formation of our national music , the rise of Oriental music theory to a new level, the classification of musical instruments and the development of modern music science, as well as the socio-spiritual, artistic, aesthetic and educational potential of our national music.

**Keywords:** Instrument, law, gichchak (gijjak), ud, manuscript, talent, nature, prey, music, teacher, book, art, work, melody, source, science.

Мусиқий чолғуларнинг содда кўринишлари инсон жамиятининг илк босқичларида пайдо бўлган. Дастрлаб, ҳали табиат ҳодисаларини англаб етмаган даврларда инсон кўп жиҳатдан ожиз бўлиб, ўзини муҳофаза қилиши учун зарур бўлган воситаларни топиш йўлида кўп ҳавф-хатарларни бошидан кечирган. Ибтидоий одам даставвал ўлдирган ўлжасига қорин тўйғизиш манбай сифатида қараган бўлса, секин-аста унинг ақлий тафаккурини ривожланиши ундаги идрок ва ҳиссиёт доирасини кенгайтириб борган. Пировардида, у ҳайвон терисини ичи бўш буюмларга қоплаган, қуриган ичакни эса ёғочга тортиб, уларнинг барчасини садолантиришга ҳаракат қилган. Бунинг замирида илк мусиқий қуроллар пайдо бўлиб, секин-аста содда мусиқий қурол мусиқа чолғусига айланган.

Торли чолғуларни пайдо бўлиши борасида ёзма манбаларда турли ривоятлар ва фикрлар келтирилган. Жумладан, Ўрта аср алломаси Зийа-ад Дин Нахшабий (XIVаср) ўзининг “Тўтинома” асарида торли чолғуларни келиб чиқиши борасида шундай ривоятни келтирган: “Кунларнинг бирида йўлдан толикқан олим дараҳт тагига дам олгани ўтириб, тасодифан дараҳтда ўтирган маймунга кўзи тушади ва уни кузата бошлайди. Дараҳтда тинимсиз сакраётган маймун беҳос учли шохга қорнини йиртиб олиб, ичаклари дараҳт шоҳларига илиниб қолади. Дараҳт шоҳларида қуриб қолган ичаклар шамолда тебраниб, ёқимли овоз таратаётганидан таажжубда қолган олим, дараҳт чўпини эгиб, унга қуриган ичакни тортади ва чўп учига қовоқ ўрнатади. Ўзига хос бир мусиқа чолғуси пайдо бўлади”[1,Б.155].

Ушбу ривоят нафақат торли чолғуларнинг пайдо бўлиши, балки инсонни ер юзида мослашиб боришида табиатнинг ўзи йўл кўрсатувчи бўлганлигини англатади.

Шарқда қайси бир олим ўз камолот мақомини топар экан, мусиқанинг мўътабарлигига бефарқ бўла олмайди. Натижада бугунги кунда “шарқ мусиқаси” деб ном олган араб, форс ва турк миллатларининг муштарак хусусиятларига эга мусиқаси, мусиқа илми вужудга келди. Жумладан, Абу Юсуф ибн Исҳоқ Киндий (IX аср) “Мусиқий таълиф тўғрисида катта рисола”, “Мусиқа санъатига муқаддима рисола”, “Мусиқий таълиф қилиш санъати ҳақида рисола”, “Мусиқий ийқоъ ҳақида рисола”, Абу Наср Форобий (IX-X асрлар) “Катта мусиқа китоби”, “Мусиқа ҳақида сўз”, “Ийқоълар таснифи ҳақида китоб”, Абу Али ибн Сино (IX-X асрлар) “Шифо китоби”, “Донишнома”, “Мусиқа илми тўплами”, Абу Мансур ибн Зайла “Мусиқага оид тўлиқ китоб”, Абу Абдуллоҳ Хоразмий “Илмлар қалитлари”, Марогали Ҳожа Абдулқодир Найий “Асосий мусиқий даврлар”, “Қуйлар мақсадлари”, Сафиуддин Абдулмўъмин Урмавий “Шарафга лойик рисола”, “Мусиқий даврлар ҳақида китоб”, Абдураҳмон Жомий “Мусиқа илми рисоласи”[2,Б.3.] Нажмиддин Кавқабий “Мусиқа илми рисоласи”, “Ўн икки мақом баёнига бағишланган рисола”, Зайнулобидин Махмуд Ҳусайний “Мусиқа илми ва амаллари қонунлари”, Дарвеш Али Чангий “Шодлик тухфаси” каби асарлари билан мусиқа илмининг муайян даври мукаммал назариясини яратдилар. Яқин ва Ўрта Шарқда мусиқа илмининг ривожланишида энг аҳамиятли даврлардан бири – Шарқ уйғониш даври, яъни IX-X асрлардир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқда чолғушунослик бўйича тўрт мухим асар яратилди. Улар сирасига Форобийнинг “Катта мусиқа китоби”, Ибн Синонинг “Мусиқа илми тўплами”, Ибн Зайланинг “Мусиқага оид тўлиқ китоби” ва ниҳоят Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Илмлар қалитлари” энциклопедик асарининг “Мусиқа ҳақида” аталмиш боби. Мазкур тўрт асар Шарқда мустақил чолғушунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта аср буюк мутафаккири Абу Наср Форобий (873-950) - Шарқ чолғу-шунослик илмининг асосчиларидан. Шарқда Форобий ёки Абу Наср Форобий (Фарбда - Alpharabius) номи билан машҳур алломанинг тўлиқ исми шарифи - Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуқ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий ал-Муаллим ас-соний. Бу тўлиқ исми шарифда Абу Наср кунядир, Муҳаммад - унинг ўз исми, Муҳаммад - отасининг исми, Ўзлуқ - бобосининг исми, Тархон - катта бобосининг исми, Форобий - унинг туғилган жойи Форобга нисбат қилиб олингандиги бўлса, Туркий - унинг келиб чиқиши туркий эканига ишора ва Ал-муаллиму-с-соний (иккинчи муаллим) замондошлар ва халафлар томонидан берилган юксак илмий унвондир[3,Б.9.]

Абу Наср Форобий жуда бой илмий-ижодий мерос қолдирди. У мантиқ, нафс, сиёsat, риёзиёт, кимё, фалсафа, мусиқага оид асарлар ёзди. Фарбда Алфарабиус деб аталган Форобийнинг Европа маданиятига ҳам таъсири каттадир. Шунингдек, Форобий мумтоз ва фаол мусиқачи, уд созида беназир ижрочи ҳам бўлган. Ибн Аби Усейбианинг ёзишича, Форобий Арастудан кейинги иккинчи муаллим[4,Б.175.] Дунё билан ҳеч иши йўқ эди, “ўлмас овқат”га чидаб яшайдиган, қаноатли одам эди. Унинг феъл-атвори худди қадимги файласуф ҳакимлар одобига ўхшаган.

Абу Наср Форобийнинг илмий меросида мусиқий рисолалар мухим ўрин тутади. Қадим юонон мутафаккирлари ва Ўрта аср Шарқ файласуфлари мусиқа илмини риёзиёт (математик фанлар)нинг таркибий қисми, риёзиётни эса фалсафанинг ажralmas бўллаги деб қараганлар. Абу Наср Форобийнинг “Катта мусиқа китоби” юқорида санаб ўтилган тўрт асар ичida энг аҳамиятлигидир[5,Б.9.] Чунки бу асар қолган уч асарнинг яратилишига туртки бўлган. Абу Мансур Ибн Зайла (XI аср) ўзининг “Мусиқага оид тўлиқ китоби”да Форобийнинг чолғушуносликка оид асарларидан иқтибослар келтиради. XV асрнинг мусиқа назариётчиларидан бири, Шарқнинг йирик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий ўзининг “Мусиқа ҳақида рисола” асарида Форобийни буюк мусиқашунос олим сифатида тилга олади. Демак, Форобий Ўрта асрларнинг буюк мусиқашуноси сифатида ўша давр алломалари томонидан ҳам тан олинган. У моҳир созанда, бастакор, йирик мусиқа назариётчиси бўлиши билан бирга манбаларда “қонун”, “ғиччак” (ғижжак) ҳамда “уд” деб номланадиган мусиқа асбобларини ихтиро қилган дейилади. Бу буюк ижодкорнинг баъзи мусиқа асарлари Эрон ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида ҳозирга қадар ҳам ижро этилиб келинаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Форобий мусиқа назариясига бағишлиб бир қатор асарлар ёзган.[6,Б.10.] Бу асарларнинг баъзилари бизгача етиб келган, аммо баъзилари бизгача етиб келмаган, бироқ, турли

манбаларда номлари айтиб ўтилган. Аввал ҳам, ҳозир ҳам Форобийнинг мусиқа илмига оид асарлари сони ва номланишлари борасида муаллифлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Масалан, Бу ҳақиқий Форобийнинг тўрт жилдли “Мусиқага оид” номли асари бор деган гап билан чекланса, Форобийнинг Ибн Аби Усайбия санаб ўтган 112 та асарининг номланишига қараб ўндан ортиғи мусиқага оид, деб таҳмин қилиш мумкин. Таниқли тадқиқотчи, инглиз шарқшунос-мусиқашуноси Г.Фармер эса 11 та асарни Форобийнинг соғ мусиқий рисолалари ёки билвосита мусиқага алоқадор асарлар, деб билган. Г.Фармер Форобий мусиқа назариясига доир бир қанча асарлар ёзган. У бу асарларни Форобийнинг мусиқага доир қизиқарли, назарий материалларни ўз ичига олган илмларнинг таснифи бўйича асарларининг араб ва лотин тилидаги нусхаларини ўрганиш асосида нашр этган. Фармернинг Форобий мусиқа назарияси ҳақидаги китоби “Форобийнинг мусиқа ҳақидаги арабча - лотинча асарлари” номи билан 1934 йилда эълон қилиниб, 1960 йилда қайта нашр этилди. Унда бир неча йиллик тадқиқотлар умумлаштирилган. Кўпчилик олимлар берган ва бир қатор манбалар кўрсатган маълумотларга кўра, Абу Наср Форобийнинг бизгача етиб келган асарлари қуидагилардан иборат:

1. “Катта мусиқа китоби. Бу китобнинг тўлиқ танқидий матни нашр этилган. У тўлалигича фақат француз тилига эркин таржима қилинган, баъзи қисмлари кўп тилларга (масалан, ўзбек, қозоқ, рус, лотин тилларига) ўтирилган. Хусусан, 1840 йилда немис шарқшуноси Ланд китобнинг чолғу асбобларига оид қисмини лотин тилига таржима қилган. XX асрнинг 30-йилларида “Катта мусиқа китоби” барон Рудольф Д. Эрланже томонидан француз тилига тўла таржима қилиниб, “Араб музикаси” тўпламида чоп этилган. Ушбу таржима орқали Форобий мероси Европага кенг жорий қилинган. Унинг қўлёзма матнлари дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Энг қадимий матни 1138 йил Ибн Божжа учун кўчирилган бўлиб, Мадрид кутубхонасида 602-рақам остида сақланмоқда. 1257 йил кўчирилган Истанбул кутубхонасида 22-рақам остида сақланаётган, 1347 йил кўчирилган, Милан кутубхонасида 289-рақам остида сақланаётган ва 1089 йил кўчирилган матндан 1537 йил кўчирилган Лейден кутубхонасида 1427-рақам остида сақланаётган матнларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Форобий таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан араб олимлари Закариё Юсуф ҳамда Махмуд Ҳафний томонидан мавжуд қўлёзмалар асосида китобнинг мукаммал матни тайёрланиб, 1982 йилда нашр қилинди. Форобий ушбу асар муқаддимасида шундай дейди: “Катта мусиқа китоби” икки қисмдан иборат бўлган. Биринчисида ушбу илмнинг назарий ва амалий асослари ёритилган бўлса, иккинчиси - ўтмиш олимларининг мусиқа илмидаги “хатоларига” изоҳлар беришга қаратилган. Китобнинг ана шу сўнгги қисми бизгача етиб келмаган.

Иккинчидан, “Ийқоъ саноғи ҳақидаги китоб”. Мазкур китобнинг қўлёзма матни Истанбулдаги Маниса кутубхонасида 1705-рақам остида (59а-81в, давоми 88а-89в вараклар) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган[7,Б.105-173.] “Ийқоълар китоби”нинг қўлёзма матни Туркиянинг Тўққопи саройи Аҳмад III кутубхонасида 1878-рақам остида (160в-167абет) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган24. Ўзбек тилида Форобийнинг ийқоъ назариясига оид тадқиқот бор.[8,Б.131] “Илмлар саноғи” китобининг мусиқага бағишлиланган бўлими. У икки варақни ташкил этади. Ўрта аср Ғарб олимлари “De scientiis” деб атаганлар. Араб матни кўп бор нашр этилган. Рус, ўзбек, қозоқ ва бошқа бир неча тилларга таржима қилинган. “Илмларнинг пайдо бўлиши” асарининг мусиқага бағишлиланган қисмининг лотинча таржимаси “Dt ortu scientiari” номи билан сақланган, рус тилидаги таржимаси ҳам бор, бу таржима асосида ўзбек тилига ҳам ўгирилди, аммо асли арабча матни сақланмаган. Абу Наср Форобийнинг[9,Б.150-151.] бизгача етиб келмаган, аммо ўзга манбаларда эсланадиган мусиқа илмига оид асарлари қуидагилар:

- “Катта мусиқа китоби”нинг иккинчи китоби. Форобий уни “Иккинчи китоб” деб атайди.
- “Ийқоъга қўшимча нақра ҳақида сўз”. Бу асарни Ибн Аби Усайбия эслаб ўтади, Махмуд Аҳмад Ҳафний уни “Ийқоъга қўшимча қўчиш ҳақида сўз” деб атайди. Бу асарнинг номи турлича аталиб келинган.[10,Б.25.]
- “Илмлар саноғи” аталмиш рисоласи илмлар таснифига оид муҳим асардир. Ҳатто Ғарбнинг кўплаб олимлари анна шу асар устида тадқиқот ишлари олиб борганлар. Асарнинг мусиқага бағишлиланган қисмida Форобий бу фаннинг предмети ва аҳамиятини айтиб ўтади. Яъни мусиқа илми амалий ва назарий қисмлардан иборат. Амалий қисм мусиқа асарларини инсон овози ва мусиқа чолғулар

ёрдамида ижро этиш ва бастакорлик санъатидир. Назарий қисм мусиқанинг келиб чиқиши мусиқа асарлари яратишнинг қонун ва қоидалари ҳақидаги илмдир. У беш бўлимдан иборат:

1. Овозлар ҳосил бўлишининг принциплари ҳақида;
2. Овозлар ҳосил қилишнинг усуллари ва ўзаро муносабатлари ҳақида;
3. Мусиқа белгилари ҳамда мусиқа овозлари нағмалар ва куйларнинг хусусиятлари ҳақида;
4. Мусиқа, тон-нағмаларининг ўлчови, интерваллар ҳақида;
5. Оҳанг ва куйлар асосида мусиқали композиция яратиш ҳақида.

Форобийнинг чолғушуносликка оид асарларидан, айтганимиздек, “Катта мусиқа китоби” энг машхури ва салобатлигидир. Форобий бу китобда мусиқанинг кенг таърифини беради, асосий тушунчалар ҳамда мусиқа асарлари таркиб топадиган элементларни очиб беради. Баъзи ишонарли маълумотларга қараганда, Форобий 925-928 йиллар орасида ватанида бўлган ва Мансур ибн Нуҳ илтимосига кўра “Иккинчи таълим” деб аталган жуда катта ҳажмда бир қомусий асар ёзган. Бу асардан бизгача унинг мантикий бир парчаси ва шу асар таркибига кирган икки китоби етиб келди. Бу китоблардан бири “Птоломейнинг ал-Магестосига шарҳ”, иккинчиси мусиқа бўйича “Катта мусиқа китоби”дир. Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, “Катта мусиқа китоби” 925-928 йиллар орасида ёзилган ва у Мансур ибн Нуҳга бағишлиланган. 1961 йилда Эроннинг “Мусиқий Эрон” журналида форс тилида бир неча парча эълон қилинди. Форс тилидаги матни асосида унинг кириш қисми ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Ўрта Осиё, Эрон ва араб мусиқа санъатини яхши билган Форобий ҳалифаликнинг бепоён майдонида кенг тарқалган мусиқа асбоблари ҳақида батафсил маълумот беради. Форобийнинг мусиқа соҳасидаги тадқиқотчилар олдига қўйган талаблари дикқатга сазовор бўлиб, назарий тадқиқотнинг зарурий эътиқоди сифатида жаранглайди. У ёзади: “Назарий билимлардан хабардор бўлган етук санъаткор қайси билимда бўлмасин, шу уч нарсага эга бўлиши керак [11,Б.156.]

- 1) ҳар бир билимнинг усул ва қоидаларини тўла билиши лозим;
- 2) шу билимнинг турли ҳолатларида ҳосил бўлган усул ва қоидаларнинг натижаларини шарҳ ва изоҳ этишга қодир ва истеъодли бўлиши керак;
- 3) мусиқа (санъати) ҳақида нотўғри назарияга эга бўлган ёзувчиларнинг нотўғри назарияларини танқид эта билсин, хато ва тўғри назариялар ўртасидаги фарқни кўрсата билсин ва хатоларни ойдинлаштира олсин”.

Хулоса қилиб айтганда, “Катта мусиқа китоби” асарининг қиммати унинг умумий ва чуқур ғояларидагина эмас, балки Форобий даврида ўрта аср шарқи маданиятининг гуллаб-яшнаган даврида мусиқа санъатининг аҳволи ҳақида кенг маълумот берилишида ҳамdir. Шарқ мусиқа илмидаги ютуқларини янги давр талаблари асосида ривожлантириди ҳамда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳалқларининг маҳаллий мусиқа амалиётига суюнган ҳолда соф илмий йўналишда Шарқ мусиқа назариясини янги ривож поғонасига кўтарди. Шунингдек, ушбу олимлар томонидан Шарқ мусиқа илми асослари яратилди, мусиқа атамалари тизими шаклланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Джумаев А.Б О взаимосвязях музыкальных культур Средней Азии и Индии в древности.// Индия и Центральная Азия. –Т.: 2000, -155 с.
2. Абдураҳмон Жомий. Рисолайи мусиқий. Форс тилидан Нафас Шодмон таржимаси. –Т.1997. –Б.3.
3. Орипов З. Шарқ мусиқий манбаҳунослиги (Х-ХI асрлар). –Т.: Фан ва технология, 2008.–Б.9.
4. Farmer H.G. History of Arabian music to the XIII the century. London.: Lusac Co. LTD. 2 ed 1973. – P.175.
5. Ирисов А. Муаллим Ас-Соний.// Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.:А.Қодирий нашриёти, 1993. –Б.9.
6. Матёқубова О. Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б.10.
7. Neubauer, Eekhard. Die Theorie yom iqa: Ubersetzung das Kitab ihsa al-iqa von Abu Nasr al Farabi, 2// Oriens Journal of the International Society for Oriental Research .vol N34, 1994, 105- 173. Leiben, New York, Koln.

- 
8. Назаров А. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида (мумтоз ийқоъ назарияси). –Т.:Ғафур Гулом нашриёти, 1995. –Б. 131.
  9. Фараби., О происхождении наук В кн: Григорян СН Из истории философии Средней Азии и Ирана 7 12 вв М 1960 (Приложение стр 150 151 перевод с латинского А.Рубина).
  10. Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги (Х-XI асрлар). Т. 2008.–Б.25.
  11. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири.–Т.: Ўзбекистон, 1971.–Б. 156.